

Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 77857 на приобретение Нурота тумани Мурувват уйи биносини жорий таъмирлаш ишларин бажариш

Способ проведения электронный

Дата 12.05.2022

Время рассмотрения 12.05.2022 09:16

Конкурсная комиссия Нурота Мурувват уйи, (Далее – Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	DJURAYEV XUSEN SAFARBOYEVICH	Хужалик ишлар буйича директор уринбосари	Хужалик ишлар буйича директор уринбосари
Секретарь комиссии	KURBONOV NURBEK RASHIDOVICH	Экспулитатция техник хизматчиси	Экспулитатция техник хизматчиси
Член комиссии	RUSTAMOVA ZEBINISO FARHOD QIZI	Хамшира	Хамшира
Член комиссии	MIRZAYEV ILXOM SHAROFBOYEVICH	Омбор Мудири	Омбор Мудири
Член комиссии	XO'JAMOVA MAVLUDA BOBORAJABOVNA	Сестра хозайка	Сестра хозайка
Член комиссии	UMAROV LAZIZ MURTAZAYEVICH	Жисмоний машклар билан шугуллантирувчи	Жисмоний машклар билан шугуллантирувчи

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 12.05.2022 года № лота 77857.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.техничко-квалификационной части: 100.00 / Весовой коэф. ценовой части: .00)

Мин. балл: 99

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуга по текущему ремонту зданий
Подробное описание	Нурота тумани Мурувват уйи биносини жорий таъмирлаш
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	399 917 309.00
Стартовая сумма	399 917 309.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Танловда иштирок этадиган корхонанинг доимий ишчилари тугрисида маълумот. Буйрук нусхалари

Тип: Текстовое значение

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"ASHRAF" xususiy korxonasi	10	Барча тегишли хужжатлар юкланди	10	Экспертная		
ЧП АКМАЛ - АЛИ QURILISHI	10	Хужжатлар юкланди	10	Экспертная		

Критерий №2 Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги

Тип: Текстовое значение

Описание: Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"ASHRAF" xususiy korxonasi	10	Барча тегишли хужжатлар юкланди	10	Экспертная		
ЧП АКМАЛ - АЛИ QURILISHI	10	Хужжатлар юкланди	10	Экспертная		

Критерий №3 Ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги; Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга йўл қўймаслик буйича кафолат хатлари

Тип: Текстовое значение

Описание: Ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги; Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга йўл қўймаслик буйича кафолат хатлари

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"ASHRAF" xususiy korxonasi	15	Барча тегишли хужжатлар юкланди	15	Экспертная		
ЧП АКМАЛ - АЛИ QURILISHI	15	Хужжатлар юкланди	15	Экспертная		

Критерий №4 Ташкилотни қурилиш соҳасида бажарган ишлари тугрисида маълумот. Килинган ишлар далолатномасидан нусха

Тип: Текстовое значение

Описание: Ташкилотни қурилиш соҳасида бажарган ишлари тугрисида маълумот. Килинган ишлар далолатномасидан нусха

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника юкланди	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ЧП АКМАЛ - АЛИ	20	Хужжатлар юкланди	20	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
QURILISHI		юкланди				

Критерий №5 Банк кредитлари буйича муддати утган карздоликни мавжуд эмаслиги. Уз балансида асосий фондларга, мулкларга тақик куйилмаганлиги

Тип: Текстовое значение

Описание: Банк кредитлари буйича муддати утган карздоликни мавжуд эмаслиги. Уз балансида асосий фондларга, мулкларга тақик куйилмаганлиги

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"ASHRAF" xususiy korxonasi	20	Барча тегишли хужжатлар юкланди	20	Экспертная		
ЧП АКМАЛ - АЛИ QURILISHI	20	Хужжатлар юкланди	20	Экспертная		

Критерий №6 Пудратчининг Курилиш вазирлиги махсус электрон порталида рейтинги мавжудлиги тугрисида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Пудратчининг Курилиш вазирлиги махсус электрон порталида рейтинги мавжудлиги тугрисида маълумот

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"ASHRAF" xususiy korxonasi	10	Барча тегишли хужжатлар юкланди	10	Экспертная		
ЧП АКМАЛ - АЛИ QURILISHI	10	Хужжатлар юкланди	9	Экспертная		

Критерий №7 Ташкилот гувоҳномаси ва устави нусхаси

Тип: Текстовое значение

Описание: Ташкилот гувоҳномаси ва устави нусхаси

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"ASHRAF" xususiy korxonasi	5	Барча тегишли хужжатлар юкланди	5	Экспертная		

Критерий №8 Солиқдан карзи йуклиги тугрисида маълумот. қайси турдаги солиқ туловчи эканлиги тугрисида

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"ASHRAF" xususiy korxonasi	10	Барча тегишли хужжатлар юкланди	10	Экспертная		
ЧП АКМАЛ - ALI QURILISHI	10	Хужжатлар юкланди	10	Экспертная		

Критерий №2 Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги

Тип: Текстовое значение

Описание: Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"ASHRAF" xususiy korxonasi	10	Барча тегишли хужжатлар юкланди	10	Экспертная		
ЧП АКМАЛ - ALI QURILISHI	10	Хужжатлар юкланди	10	Экспертная		

Критерий №3 Ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги; Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга йўл қўймаслик буйича кафолат хатлари

Тип: Текстовое значение

Описание: Ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги; Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга йўл қўймаслик буйича кафолат хатлари

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"ASHRAF" xususiy korxonasi	15	Барча тегишли хужжатлар юкланди	15	Экспертная		
ЧП АКМАЛ - ALI QURILISHI	15	Хужжатлар юкланди	15	Экспертная		

Критерий №4 Ташкилотни қурилиш соҳасида бажарган ишлари тугрисида маълумот. Килинган ишлар далолатномасидан нусха

Тип: Текстовое значение

Описание: Ташкилотни қурилиш соҳасида бажарган ишлари тугрисида маълумот. Килинган ишлар далолатномасидан нусха

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника юкланди	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ЧП АКМАЛ - ALI	20	Хужжатлар	20	Экспертная		

2022 йил «16» 05

Нурота шаҳри

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган **Нурота тумани Мурувват ногиронлар учун эркаклар интернат уйи** номидан Низом асосида иш кўрувчи **Ш.Норов** бир томондан ва кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган «**Ашраф**» хусусий корхонаси номидан Низом асосида иш кўрувчи **А.Асомов** иккинчи томондан **Нурота тумани Мурувват ногиронлар учун эркаклар интернат уйи** ҳудудини жорий таъмирлаш ишлари бўйича қуйидаги шартномани туздилар:

I. ТАРАФЛАР.

1. Бажариладиган қурилиш ишлари ишчи лойиҳасига асосан олиб борилади, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар ва қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар ва бажарилган ишни буюртмачи томонидан тасдиқланган (Форма-2) далолатномаси асосида иш олиб борилади.

Қурилиш майдони – мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. белгиланадиган барча белгилар билан белгилаб қўйилади;

Вақтинчалик иншоотлар – пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар;

Беркитиладиган ишлар – сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

Шартнома нарҳини бўлиб чиқиш – ишларнинг ҳар бир босқичи ва ёки турлари қийматини аниқ белгилаган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ.

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига асосан **Нурота тумани Мурувват ногиронлар учун эркаклар интернат уйи ҳудудини жорий таъмирлаш ишлари** лойиҳада кўзда тутилган ҳолда қуриш бўйича қурилиш ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ.

3. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажарилган, танлов савдоси (тендер) натижасида аниқланган ва тендер комиссиясининг қарори (2022 йил «12» 05 даги 77817сон баённома) билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда лойиҳа смета ҳужжатларига асосан **397 950 680 (Уч юз тўқсон етти миллион тўққиз юз эллик минг олти юз саксон) сўмни** ташкил этади.

4. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

қурилиш қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

объектнинг қурилиши бир йилдан ортиққа ўзгартирилганда.

5. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нарҳларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим имзолаш билан расмийлаштирилади.

IV. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II-бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга ___ - иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

___ - иловага мувофиқ қурилиш майдонида зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва сақлаш;

қурилиш майдони худудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;

Буюртмачининг пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили ҳақида буюртмачини хабардор қилиш;

қурилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, ўтказилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироклари ўрнатиш;

қурилиш таваккалчиликларини суғурта қилиш;

қурилиш майдони қўриқланишини таъминлаш;

мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларни ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкӣ жавоб беради.

V. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

9. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага ___ - иловага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунгача бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига 3 - иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 20 кун давомида Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ.

10. Шартнома: миллий валюта «сўмда» ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда – томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб;

кейинчалик ЭАВга конвертация қилган ҳолда миллий валютада «сўмда» ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда – шартнома қонун ҳужжатларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга қиради.

11. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

12. Танлов савдолари натижаси бўйича аниқланган қурилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан ___ кунни ташкил этади.

13. Мазкур шартнома бўйича ишлар ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

VII. ТЎЛОВЛАР ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР.

14. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий қийматининг миқдоридан **30 %** миқдорида аванс ўтказилади, бу **119 385 204 (Бир юз ўн тўққиз миллион уч юз саксон беш минг икки юз тўрт)** сўмни ташкил этади.

15. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс берилгандан сўнг, кейинги тўлов «Бажарилган ишлар» далолатномасига (форма – 2) асосан амалга оширилади.

16. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

17. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу

ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ.

18. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI-бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни муттасил равишда ташкил этади.

19. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура – қурилиш назорати органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

20. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

21. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортиқча тупроқ ва қурилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупроқни қазиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги ҳужжатларни беради.

22. Пудратчи геодезия нуқталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шуниндек баландлик белгилари, ўлчамлари ва бўлиш ўқларининг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган бўлиш ва геодезия ишларида хатолар аниқланса, Пудратчи, Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.

23. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жадвалларини сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома бўйича Буюртмачига беради.

24. Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нуқталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

25. Пудратчи ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб – ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишни кафолатлайди.

26. Алоҳида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилиш бошланишидан икки кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва «Давархитектқурилишназорат» инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.

27. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса, ёки у бу ҳақида хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

28. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан, қурилиш ва қурилиш қийматини кўпайтирмаслик шарти билан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир. Ушбу шартнома 34-бандининг иккинчи хат бошида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишни кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

29. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ қўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларни супуриб – сидиради ва озода сақлайди. Қурилиш даврида майдондан қурилиш ахлатини буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

30. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтари юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олинishi, ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши

тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан коникмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарда ўз фикрини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора – тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

IX. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ХОЛАТЛАРИ.

31. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзасига кетган вақтга муносиб равишда узайтирилади.

32. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

33. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

X. КАФОЛАТЛАР.

34. Пудратчи:

барча ишлар тўлиқ ҳамда мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

лойиҳа ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатига;

ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган сертификатцияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

объектдан фойдаланилганда муҳандис тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф қилиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

35. Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиш «Давархитектқурилишназорат» органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича ҳўжалик судига муурожаат қилишини истисно этмайди.

XI. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ.

36. Буюртмачи:

шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартномани бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

37. Пудратчи:

ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

38. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг кўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишларнинг қийматини Пудратчига тўлайди.

39. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоидаларига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

40. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

41. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

XII. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ

ЖАВОБГАРЛИГИ.

42. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хусусий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунда, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда жавобгарликга тортилади.

43. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмларининг 0,3% миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50% дан ошмаслиги лозим.

Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

44. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашда асоссиз равишда бош торгганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлашни рад этган ёки бош торгган сумманинг 0,3 % миқдорида жарима тўлайди.

45. Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,3 % миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 50% дан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,3 % и миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 % идан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

46. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда Буюртмачи «Давархитектқурилишназорат» инспекциясининг ҳулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиши, шуниндек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 0,3% миқдорида жарима ундириш ҳуқуқига эга.

47. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланмаган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

48. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

III. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ.

49. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шуниндек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

XIV. АЛОҲИДА ШАРТЛАР.

50. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

51. Пудратчи қурилиш объектига ёки уларнинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

52. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

53. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

54. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунланганидан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

55. Мазкур шартномада назарда тутилган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

56. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлиб, 2 нусхада тузилди. Шартнома тарафлар томонидан имзоланган пайтдан бошлаб Нурота туман Ғазначилик бўлимида рўйхатдан ўтгандан кейин қонуний кучга киради ва амал қилиш муддати **2022 йил 31 декабргача** белгиланади.

XVI. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:

Буюртмачи:

Нурота тумани Мурувват ногиронлар учун
эркаклар интернат уйи
Манзили: Нурота тумани Адизобод кишлоғи
Х/р: 100021860122387101204344001
Банк номи: Марказий банк Тошкент шаҳри
Бош бошқармаси Х.К.К.М
Банк коди (МФО): 00014
ИНН: 201150267
ХХТУТ: 91800 87200
КТУТ
Ғазначилик бўлими: Молия вазирлиги Ғазначилиги
Навоий вилояти Нурота шаҳри
Х/р: 23 402 000 300 100 001 010
Банк номи: Марказий банк Тошкент шаҳри
Бош бошқармаси
Банк коди (МФО): 00014
Ғазначилик бўлими СТИР: 201122919

Директор:  Ш.Норов

(имзо)

М.Ў.

Юрист хулосаси _____

Пудратчи:

«Ашраф» хусусий корхонаси

Манзили: Нурота ш, Кургон кучаси 48 уй
Х/р: 20208000800346697001


Банк номи: Нурота «Агробанк»

Банк коди (МФО): 00214

ИНН: 201934896

ХХТУТ:

КТУТ

Рахбар:  А.Асомов

(имзо)

М.Ў.

Ф.И.О. _____



ҲУҚУҚИЙ ХУЛОСА.

« 16 » 05 2022 йил

Нурота тумани Мурувват ногиронлар учун эркаклар интернат уйи директори Ш Норов ҳамда “Ашраф” хусусий корхонаси раҳбари А Асомов томонидан 2022 йил 16 Мае ойида тузилган шартнома лойиҳаси юзасидан ўтказилган ҳуқуқий таҳлилга кўра қуйидагилар аниқланди:

Очиқ шартнома суммаси 397 950 680 (Уч юз тўқсон етти миллион тўққиз юз эллик минг олти юз саксон) сўм.

Шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган, икки нусхада, ўзбек тилида тузилди.

Шартнома лойиҳасида тарафларнинг мажбуриятлари, қўшимча шартлар ва унинг ҳуқуқий кучга кириш вақти ҳамда амал қилиш муддати аниқ қилиб белгиланган.

Шартнома шартлари бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган тақдирда тарафларнинг жавобгарлиги масаласи Ўзбекистон Республикаси қонунлари доирасида кўрсатилган.

Тузилаётган шартнома юзасидан вужудга келиши мумкин бўлган низони ечиш тартиби томонларнинг келишувига асосланиши, музокаралар орқали ҳал этилмаган тақдирда вилоят иқтисодий суди томонидан кўриб чиқилиши таъкидланган.

Тарафларнинг юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтганлиги, манзили ва ҳисоб рақамлари тўғри ҳамда қонуний эканлиги текширилади.

Шартнома лойиҳаси бандлари, унда кўрсатилган шартлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари ва ҳуқуқ нормаларига, “Хўжалик юритувчи субъектларнинг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида” ги қонуни 10-11, 20-21 моддалари талабларига зид эмас.

ҲУҚУҚШУНОС: З.А З.БАБОЕВ.